

Абдивоҳид Маматқулович ЖўРАЕВ

Мамлакатимиз аграр тармоғи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фани оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор, етук олим ва аjoyиб инсон Абдивоҳид Маматқулович Жўраев бевақт вафот этди.

Абдивоҳид Жўраев 1954 йилнинг 26 мартида Сурхондарё вилоятининг Жаркўрган туманида туғилган. У ўз меҳнат фаолиятини қишлоқда оддий деҳқонликдан бошлаб, мамлакат миқёсида маъсулиятли вази-фаларга бўлган ша-рафли йўлни босиб ўтди.

У 1976 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти-ни тавомлашган, ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисоди, кейинчалик Ўзбекистон бозор иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида ил-мий фаолият билан шуғул-

ланди, фан номзоди, сўнгра иқтисод фанлари доктори илмий даражасига эришди. А. Жўраев мазкур институт директори, Ўзбекистон Республи-каси Президенти Девонин-гнинг етакчи консултан-ти, макроиқтисодиёт ва статис-тика вазирининг ўринбоса-ри, Давлат мулки кўмитаси раисининг ўринбосари ҳамда қишлоқ ва сув хўжа-лиги вазирининг ўринбоса-ри ва кейинчалик вазир лавозимларида фаолият кўрсатди. 2004 йилдан бошлаб эса қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари вазифа-сида ишлаб келаётган эди.

Абдивоҳид Жўраев аграр соҳани ислоҳ қилишга оид миллий қонунчилигимиз ба-засини яратиш ва мустаҳкам-лаш, жумладан, қонунлар, ҳукумат қарорлари ва нор-матив-методик ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни ҳаётга таъбиқ эти-ши ташкил этиш ва муво-



фиқлаштиришда жонбозлик кўрсатди.

Мамлакатимизда фер-мерлик ҳаракатини ривож-лантиришга, уларга хизмат кўрсатиш тизимини, шарт-номавий муносабатлар ҳамда ҳисоб-китоб ишлари-ни тақомиллаштириш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжа-лигидаги иқтисодиётни янги босқичга кўтариш борасида фаол иштирок этди. Хори-жий давлатлар билан иқти-содий алоқаларни мустаҳ-камлаш, тармоққа чет эл ин-

вестицияларини кенг жалб этиш ишларига раҳбарлик қилди.

Абдивоҳид Жўраев нафа-қат республика миқёсидаги раҳбар, балки қишлоқ хўжа-лиги иқтисодиёти соҳасида-ги йирик олимлардан бири эди. У қўллаб-қўллаган хо-дим-ларга раҳбарлик қилди, бир қанча монографиялар, дарс-ликлар, илмий мақолалар, услубий тавсиялар муалли-фидир. Ташаббускорлиги, изланувчанлиги тўғрисида ил-мий жамоатчилик, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва деҳ-қонлар ўртасида катта эъти-борга сазовор бўлди.

Абдивоҳид Жўраевнинг фидокорона меҳнат фао-лияти давлатимиз раҳба-рияти томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбеки-стон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотлан-ганда ҳамда "Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган иқти-содчи" унвонига сазовор бўлган эди.

Ишчан ва ташкилотчи раҳбар, истеъдодли олим, камтар инсон, садақатли дўст ва меҳрибон устоз Аб-дивоҳид Жўраевнинг хоти-раси қалбларимизда умрбод сақланиб қолади.

Банк тизими

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни ва салоҳияти нақадар муҳим эканлиги барчага аён. Ушбу соҳада-ги хўжалик юритувчи субъектларга, аввало, фермер хўжалиқларига банкларнинг кўрсатаётган хизматлари эса салмоқли. Улар ўз айланма маблағлари ва харажатларини қоплаш мақсадида банклар томонидан берилётган кредитлар, лизинг ҳамда бошқа молиявий хизматлардан самарали фойдаланиб, ютуқларига ютуқ қўшмоқдалар.



Устувор соҳага эътибор

Республикаимиздаги йи-рик молия институтларидан бири ҳисобланган РАТБ "Фаллабанк"нинг кредит сиёсатида ҳам ҳар йили аграр соҳага бериладиган кредитлар ва уларнинг таркибига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, умумий банк кредит қўйилмалари 76,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса уларнинг қарийб 30 фоизга яқини айнан маз-кур тармоқни ривожланти-ришга йўналтирилди.



Айни пайтда банк ми-жозларининг аксарият қис-ми, юқорида таъкидлагани-миздек, қишлоқ хўжалик корхоналари, аввало, фермер хўжалиқларидан иборат. Шу боис банк уларнинг давлат эътиёж-лари учун харид қилинади-ган пахта ва галла ҳосили-ни етиштириш билан бо-лиқ харажатларини мо-лиялаш масалаларида фаол иштирок этаётган.

Айни пайтда банк ми-жозларининг аксарият қис-ми, юқорида таъкидлагани-миздек, қишлоқ хўжалик корхоналари, аввало, фермер хўжалиқларидан иборат. Шу боис банк уларнинг давлат эътиёж-лари учун харид қилинади-ган пахта ва галла ҳосили-ни етиштириш билан бо-лиқ харажатларини мо-лиялаш масалаларида фаол иштирок этаётган.

Айни пайтда банк ми-жозларининг аксарият қис-ми, юқорида таъкидлагани-миздек, қишлоқ хўжалик корхоналари, аввало, фермер хўжалиқларидан иборат. Шу боис банк уларнинг давлат эътиёж-лари учун харид қилинади-ган пахта ва галла ҳосили-ни етиштириш билан бо-лиқ харажатларини мо-лиялаш масалаларида фаол иштирок этаётган.

Айни пайтда банк ми-жозларининг аксарият қис-ми, юқорида таъкидлагани-миздек, қишлоқ хўжалик корхоналари, аввало, фермер хўжалиқларидан иборат. Шу боис банк уларнинг давлат эътиёж-лари учун харид қилинади-ган пахта ва галла ҳосили-ни етиштириш билан бо-лиқ харажатларини мо-лиялаш масалаларида фаол иштирок этаётган.

Даволашиш учун Германияга

Инсонни кўларга кўта-риб, яшашга ундайдиган бир куч бор, бу — меҳр. Бир неча йилдирки, она-лик ва болаларни муҳо-фазалаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмаклашишга ҳукумати-миз томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқ-да. Бу хайрли ишда но-давлат ношароит ташки-лотларининг ҳам ўрни бе-киёс.

Айниқса, бу борада "Соғлом авлод учун" хал-қаро хайрия жамғармаси олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир. Маъ-лумки, жамғарма бемор ва ногирон болаларни ри-вожланган хорижий дав-латлар клиникаларида да-волаштириш ва соғломлашти-риш бўйича "Смайл Трейн" (АҚШ) ва "Фриен-денздорф Интернешнл" (Германия) халқаро таш-килотлари билан ҳамко-рилик қилиб келади. Бунинг натижаси ўлароқ, етмиш-га яқин бемор бола Гер-маниянинг етакчи шифо-нахоналарида даволаниш, юртимизга қайтди. 180 нафардан зиёд бемор бо-лалар пойтахтимиздаги саломатлик марказлари, хусусан, Тошкент Тиббиёт Академияси клиникалари ва "Алишер-тиббиёт" шифонахоналарида давола-нишди.

Кўни кеч жамғарма та-шаббуси билан юқори лаб ва таълимнинг тумна нуқ-сонлари билан оғриган бемор болалардан ўн тўққиз нафари даволаниш учун Германияга жўнаб кетди.

— Мақсадимиз фар-зандларимиз соғлом ва баркамол бўлиб улғайсин ва хамиша Ватани, халқи, яқинларининг меҳрини ҳис қилиб яшасин, — дей-ди жамғарманинг болалик ва оналикни муҳофаза қилиш бўлими раҳбари Ж. Нуров. — Тез орада улар ўз оилалари бағрига соғлом бўлиб қайтишади.

М. ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ

амалий психологлар тайёрлаш факультети кундузги ва сиртки бўлим-ларига қўйидаги ихтисосликлар бўйича олий маълумотли шахсларни қайта тайёрлаш курсларига қабул қилади:



- ⇒ халқ таълими тизими амалий психологи;
- ⇒ ишлаб чиқариш соҳаси амалий психологи;
- ⇒ тиббиёт муассасалари амалий психологи;
- ⇒ ҳуқуқ-тартибот органлари амалий психологи;
- ⇒ оила амалий психологи;
- ⇒ мактабгача тарбия.

Юридик шахслар — ишлаб чиқариш корхонаси, идора ёки корпорация, акционерлик жамоасининг вакиллари уч томонлама шартнома асосида банк орқали, жисмоний шахслар — икки томонлама шартнома асосида нақд пул билан университетнинг ҳисоб рақамига шартнома тўловларини тўлайдилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда кундузги бўлимда ўқиш муддати — 9 ой. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртки бўлимда ўқиш муддати — 15 ой.

Тингловчилар ётоқхона билан таъминланади. Давлат аттестацияси қарорига кўра, давлат намунасидаги қайта тайёрлаш дипломи берилади. Ҳужжатлар 2006 йил 25 августдан 20 сентябргача қабул қилинади. Ўқиш 2006 йил 2 октябрдан бошланади.

Қайта тайёрлаш факультетида ўқиш истиғини билдирганлар университет ректорати биносидидаги 4-27-хонага қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

- ректор номига ариза;
 - олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
 - баҳолар қайд этилган диплом иловасининг нусхаси;
 - меҳнат дафтрасининг нусхаси;
 - паспорт нусхаси;
 - 4 дона фотосурат (3x4);
 - 086-шаклдаги тиббий маълумотнома.
- Манзил: 700070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Телефон: (3712) 361-37-71. Мўлжал — Бобур номли бог.

масала ҳам банкнинг эъти-борида турибди. Жумла-дан, жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида соҳага янги техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарур воситалар харид қилиш мақсадлари-га ажратилган маблағлар ҳажми 5262,4 миллион сўмдан ортди.

Шунингдек, молиявий муассаса соҳага замонавий ва юқори унумли янги тех-ника ва замонавий техно-логик ускуналарни лизинг асосида бериш амалиёти-ни ҳам кенг қўлламоқда. Шу йилнинг ўтган даврида мазкур йўналишга берил-ган маблағларнинг умумий миқдори 3866 млн. сўмни ташкил этди. Натижада хўжалиқлар зарур техника воситаларига эга бўлиб, барча деҳқончилик юмуш-ларини улар ёрдамида ба-жаришмоқда.

Фақат шунгина эмас. Жо-рий йилнинг дастлабки ой-ларида галла ўрим-йиғи-мини самарали ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжалиқларини унумдор ва сифатли техника восита-лари билан таъминлаш мақ-садида банк ва Германия-нинг "Клаас КГаА" коман-дит жамияти ўртасида 40 дона "Доминатор-130" ру-сумли комбайн сотиб олиш юзасидан шартнома тузил-ганди. Мавсум бошлангун-ча ана шу комбайнлар ли-зинг асосида худудларга етказиб берилади. Замона-

вий, жаҳон андозлари та-лабларига жавоб беради-ган бундай техника воси-талари эса, галла ҳосили-ни ўз вақтида, нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда қўл келди.

Шуни алоҳида таъкид-лаш керакки, банк ўз фа-олиятини Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиғидаги ис-лохотларни чуқурлашти-риш, аҳоли турмуш дара-жасини ошириш борасида қабул қилинаётган муҳим ҳаётий ҳужжатлари талаб-лари асосида олиб бор-моқда. Хусусан, Президен-тимизнинг "Шахсий ёрдам-чи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва мол-ларни кўпайтиришни раг-батлантириш чора-тадбир-лари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш учун банкнинг барча филиал-лари томонидан кам таъмин-ланган оилалар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжа-лиқларида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида жами 830 млн. сўмдан ор-тиқ маблағлар берилади. Бу ёрдамга муҳтож қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш имконини бермоқ-да. Жорий йил якунига қадар эса, ушбу йўналиш-га жами 1 млрд. сўмга яқин маблағ ажратиш ре-жалаштирилган.


Бундан ташқари, аҳоли турмуш даражасини яхши-лаш, уларнинг истеъмол товарларига бўлган эҳти-ёжларини қондириш мақ-

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳурматли юртдошлар! Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ — БУ:

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғрилган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача.....	19% йиллик
1 йилдан 3 йилгача.....	19% йиллик
3 йилдан 5 йилгача.....	19% йиллик
"Юбилейный" (камида 6 ой).....	20% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой).....	20% йиллик
"Наврўз" (2 ойга).....	20% йиллик
"Табассум" (45 кунга).....	20% йиллик
"Умид" (камида 3 ой).....	20% йиллик
"Тақдим этувчига" (камида 3 ой).....	20% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

АҚШ доллари	
6 ойдан — 1йилгача	
1000 АҚШ долл. дан 2000 АҚШ долл. гача.....	5,5% йиллик
2000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача.....	6,5% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори.....	7% йиллик
ЕВРО	
1 йилгача.....	3% йиллик
1 йилдан ортиқ	
1000 ЕВРО дан 5000 ЕВРО гача.....	4% йиллик
5000 ЕВРО дан юқори.....	4,5% йиллик

Маълумот учун тел.: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26

БАНҚДАГИ БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

DELTA-BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY

ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ • 2006

МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА

ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"

26-28 сентября 2006 года

Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz


МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"

• технические средства обеспечения безопасности,
• антитеррористическое оборудование,
• средства защиты информации, • спасения при ЧС и пожарной охраны,
• обеспечения банковской и промышленной безопасности.

Бизнес-партнер: info@com.uz
ООО "NOVITA-EDMG"



Истиқлол шарофати билан биз мустакил юртимизда хоҳлаган биноларни кўнглимизга маъқул шакл-шамойилда бунёд этмоқдамиз. Бугунга келиб, ўтган 15 йил давомида қурилган шинам ва кўркам турар-жойлар, муҳташам саройлар, сон-саноксиз кўприклар, кўрган кўзни қувонтирадиган корхона ва ташкилотлар, банклар офислари, қараганда ҳавас ва ҳайрат ўйғотгулик гўзал коллеж ва лицейлар, янги мактаблар бинолари — Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида бамисоли Мустакиллик ҳайкаллари каби қад ростлаб турибди. Соҳибқирон Амир Темури бобоимизнинг «Қилки бизнинг куч-қудратимизга шубҳаланса, қўрган иморатларимизга доқсин», деган қаввати истиқлол йилларида янгича мазмун-моҳият касб этди гўё!




Ана шу бунёдкорлик ишларига ўзини дахлдор ҳисоблаган

«БИНОКОР»

лойиҳа-қурилиш компанияси жамоаси ҳамюртларимизни

Истиқлолнинг 15 йиллик байрами

билан самимий муборакбод этади ва бундан буён ҳам Ватанимизнинг чиройини очиш, мустакилликни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаверади!



Х орижлик журналист нигоҳи

Алок Шехар ўн беш йилдан бери Ўзбекистон Республикасида яшайди. Касби — журналист. Хиндистон Республикасининг бир қатор газеталарида кўп йиллардан бери халқимизнинг турмуш тарзи, икки юртининг азаали ва абадий, дўстона муносабатлари ҳусусида мунтазам чиқишлари билан танилган ижодкор. Утган йиллар мобайнида, ҳар бир кун, ҳар бир дақиқада у халқимизнинг меҳмондўстлигини англаган, ҳурмат қилган киши сифатида қаерда, қайси мамлакатда бўлмасин, фахрланиб гапириб юради. Энг улуг, энг азиз шодиёна арафасида жаноб Алок Шехарнинг самимий сўзларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



Алок Шехар:

«ЎЗБЕКНИНГ ҲАР ГАПИДА МЕҲР МУЖАССАМ!»

Киндик қоним тўкилган туپроқ! Бундай кутлуг каломни жаснатмонанд юрт — Ўзбекистонда кўп тилга олишди. Балки бу гапни кимдир дилдан асослаб, кимдир бехишёр айтиши мумкин, аммо шуниси аниқки, бу сўз замирида аслида катта маъно ва ҳикмат мужжасам. Имомни мустаҳкам, виждони бут одам Ватани учун ҳизмат қилиши ўзининг улуг ниъатлари қаторига қўшади. Юртининг қорига ярай, яқинларининг, эл-улусининг қунига ярай, деб ниъат қилади. Ўз ниъатига етганда эса, ёшу қарининг дуосини олишга мушарраф бўлади.

Хоразмга кўп бораман. Бу халқнинг санъатини, айниқса, улуг ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг ижодиши қаттиқ ҳурмат қиламан. Гўри нурга тўлғур бу инсоннинг бир қўшиғида шундай сатрлар бор: «Ўза юртининг боғи билан боғчаси ўз юртининг янтоғича кўринмас!» Бундай мисралар, дилрабо қўшиқлар ўз-ўзидан тугилмайди. Зеро, она юрт тушунчаси, Ватан деган каломнинг салмоғи уфқ янглиг бепоён, уммон қадар бесарҳадки, шунинг учун ҳам у биз учун азиз ва муқтабдор. Тугриси айтиши керак, ўзи тугилиб ўсан, шу эда риқини териб юреанларнинг ҳаммаси ҳам юрти ҳақида қайғурмайди. Бу ҳақда ўйлаш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Эзу ниъатлар, самимий истақлар ҳар қандай оракда ҳам тугилмайди. Шу маънода, баралла айтаманки, Ўзбекистондек мамлакат, ўзбеклардек халқ дунёда қамдан-кам!

Бу ҳақиқатни исботлаш учун қўлиб мисолларни келтиришим мумкин. Аммо мен бу ўринда фақат биттагина гапни айтмоқчиман. Уам бўлса, ўзбекларнинг соддалиги, бегоборлиги. Ўзбекининг ҳар гапида меҳр мужжасамлиги. Худо ҳар қандай бандасига ҳам бундай улғулукни, соддаликни юқтирмайди. Бу аламда мамлакат кўп, юрт кўп, миллати элат кўп. Уларда миллионлаб одамлар, миллион хил феъл-атворга эга

кишилар истиқомат қилади. Лекин уларнинг ҳеч бири ўзбекдек эмас. Меҳнатдан қочмайдиған, меҳмон учун эшонини ҳам аямайдиган, эзунини ҳар қандай тўйгудан юқори қўювчи одамлари бор улқа — Ўзбекистон эканлигини фақат мен — хорижлик одам эмас, бугун бутун дунё англапти. Яратувчанлик қайфияти, бунёкорлик фалсафасини ўзининг феъл-атворига, кундалик юмушлари қаторига қўшган кишилар юртидан, унутманг, файзу барака аримайди.

Яқинда Самарқанду Бухоро зиёратиди бўлдим. Ҳар қадамда азиз-авлиё, пир устозлар хоки пойи ётибди. Агар, одамлардан уялмаганимда, Ўзбекистоннинг ҳар бир қадамида оёқялган юрган бўлардим. Ахир, ҳеч бир юртда илму одоби, тафаккури билан етти иқлимга донг таратган азизлар бу қадар кўп эмас. Фақат биз эмас, бу закийлик қаршиида бутун дунёнинг мана-ман деган зотлари ҳам ҳайратда!

Азизлари бор юртдан файз-барака аримайди, дедик. Бу гапнинг исботини янгилаётган мактаблар, қўрилаётган биналар, узокни яқин, оғирни енгил қилаётган шарт-шароитда ҳам кўриш мумкин. Буларнинг барчаси Оллоҳнинг инояти, шундай азиз юртининг улуг одамларига муносиб бўлган давлат раҳбарининг ақлу салоҳияти тўғрисида эканлигини бир лаҳза бўйсин унутмаслигимиз лозим.

Одамзот бирор яхшиликка гувоҳ бўлганда, уни ўз ҳаётига ҳам табиқ этиси келади. Чиройли тўйларга борганда, шундай тўй қилиш менга ҳам насиб этсин дейди. Шу маънода меннинг ҳам бир орауим бор: ўғил кўрсам, унга ўзбекча исм қўяман! Уни ўзбек мактабиди ўқитиб, ўзбекча рўхда тарбиялайман!

Илоё, шу қуларга етказасин!

Халқ сўзи мухбири Курбон ЭШМАТОВ ёзиб олди.

БАЙРАМ ФЕСТИВАЛИ

Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги муносабати билан Қўқон шаҳридаги марказий стадионда «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шiori остида байрам тадбири бўлиб ўтди.


Мана, бир неча йилдирки, энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида «Кўкнинг дилором оқшомлари» байрам фестивали ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шу фестиваль доирасида ташкил этилди.

Фестиваль иштирокчилари мустақилликнинг нақадар олий нәмат экани, истиқлол тўғрисида юртимизда юз бераётган муҳим ўзгаришлар, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритди. Ватан, истиқлол, тинчлик, дўстлик ва муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Бугун ҳар бир маҳаллада, ҳар бир қонадонда, ҳар бир ватандошимиз қалбида байрам шукҳи жўш урмоқда, — дейди шахар «Манавият ва маърифат» маркази раҳбари Илхомжон Мадрохимов. — Корхона ва ташкилотлар вакиллари, ўқувчи ва талабалар байрам тадбирларида ўзлари тайёрлаган қизиқари дастурлар билан иштирок этмоқда.

Тадбирда Фарғона вилояти хожими Ш.Нурматов иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.



Раҳмат сизга, деҳқонбобо!

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Хаста дилларни шод этиб

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши Тошкент шаҳар хожимлиги билан биргаликда кўлуг айём арафасида хайри ишга қўл урди. Улар томонидан пойтахтимиздаги республика, шаҳар шифохоналарида даволанаётган жами 620 нафар болага байрам совғалари топширилди.

Эътибор уларнинг руҳиятига ижобий таъсир этиб, соғлигини яхшилашга хизмат қилди. — дейди травматология-ортопедия илмий-текшириш институти клиникаси бўлим мудири Аҳрор Жўраев. Ўзбекистон фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти шифохонасида ҳам республикамизнинг турли вилоятларидан келиб

даволанаётган беморлар ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига байрам совғалари топширилиб, эзу тилақлар билдирилди. Шу кун бошқа кўплаб шифо масканларида ҳам ушбу эзу тадбир шарофати билан байрамона кайфият ҳукм сурди.

М.ОХУНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ. LOT-1. Куйидаги русумдаги компьютерлар — 70 та: Pentium 4 Celeron 2.13 GHz, 256 MB DDR pc 3200, SVGA int. 64 MB, HDD 80GB 7200 rpm, Lan 100 Mbit, CD-rom, FDD, Keyboard multimedia, mouse optikal, Monitor 17. LOT-2. CANON 3110 MPF Printer нусха, сканер — 70 та. LOT-3. Модем тури F-MODEM U.S. ROBOTICS 56K EXTERNAL №5630, №5633; FAX-MODEM D-LINK (Tp-LINK) EXTERNAL 56 K V 90 VOICE DFM-560 EL — 70 та.

Анжуман

Бажарилган ишлар таҳлили

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимиз таълим тизимини амалга оширишда қўлланган қарорлар ижросини таъминлаш ва янги ўқув йилига тайёргарлик масалалари юзасидан анжуман бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг жорий йилнинг 27 июлида қабул қилинган «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хўнар коллежларида таълим олишларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вази-

фалар ҳусусида сўз борди. Мазкур қарордан мақсад Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга ошириш, 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хўнар коллежларига тўлиқ камраб олишнинг таъминлаш, таълим муассасаларини опти-мал ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлашдир. Бу эса тегишли вази-рлик ва ташкилотлар зиммасига муйайн вазифаларни оқ-лайди. Хусусан, 1998-2005 йилларда республикамизда 76 та академик лицей, 883 та

Анжуманда Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари мутасаддилари иштирок этиб, айни кунгача амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар билан журналистларни таништирди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими Маркази директори Алишер Каримов сўзга чиқиб, 9-синф битирувчиларини ўрта махсус таълим муассасаларига тўлиқ камраб олишнинг таъминлаш борасида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирди.

Анвар САМАДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ватан фидойилари ҳақида фильм

Пойтахтимиздаги республика Киночилар уйида «18-квдрат» бадийи фильмининг тақдими бўлиб ўтди. «Ўзбекино» Миллий агентлиги бюорт-масига асосан «Ўзбек-фильм» киностудиясида суратга олинган мазкур картинада ватанимиз сарҳадларига суқилиб киришга ҳаракат қилган ёвуз қўчаларга қарши курашган Ватанпарвар инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильمنى суратга олиш ишлари республикамизнинг турли ҳудудларида, хусусан, тоғли туманларида олиб борилди. Фильм сценарийсини таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст ёзган. Постановка-чи режиссёр — Жаҳонгир Қосимов. Бош ролларни Саид Мухторов, Жавоҳир Қосимов, Тоҳир Саидов каби актёрлар ижро этган. Картина оператори — Наҳмиддин Фуломов. Бастакор — Жамшид Изов.

Тақдимо маросимида сўзга чиққанлар мазкур фильмда ватанпарварлик, инсонпарварлик гоғлари олға сурилгани, шунинг учун ҳам ушбу киноасар бугунги ёш авлод тарбиясида жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. «18-квдрат»ни шу йилнинг 30 августидан пойтахтимиз кинотеатрларида томоша қилишигиз мумкин.

Юлдуз РИЗАЕВА.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ. «МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизига тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонкорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) таклиф этади. МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ. (Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, кишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизига) ва махсус техникаларни таклиф этади.

«Маданий моллар» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-идораси жамоаси меҳнат фахрийси ва савдо аълочиси Маҳкам ҳожи ота БАЙЗАКОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик ихзор этади.

Российский линолеум. Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск. тел. 134-48-11 факс 134-49-58

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ. Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ. МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади. Аммаз ARSENAL. Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАВБОРОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ва операторлар Жамшид Тоғиев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15

МАНЗИЛИМИЗ: 700006, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — К. Эшматов. Мусавҳах — Ш. Машраббоев. 1 2 3 4 5 6